O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 13 март, №58 (3170) Пайшанба

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 12 март куни Оқсаройда Испания Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Хосе Мария Роблес Фрага Ишонч ёрлиғи топширди.

Шу йил бошида мамлакатимиз раҳбари давлат ташрифи билан Испанияга борган эди. Ушбу сафар асносида икки томонлама муносабатларни янги поғонага олиб чиқишга хизмат қиладиган кўплаб янги келишувларга эришилди. Испания томонидан Ўзбекистонга янги элчининг тайинланиши келишувларни янгича руҳда ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Президент Ислом Каримов Испания дипломатик миссияси раҳбарини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади ва келгуси фаолиятида муваффақият тилади.

Хосе Мария Роблес Фрага самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, ҳамкорликда янги сиёсий ва иқтисодий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятида эканлигини маълум қилди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Афғонистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Абдул Самаддан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Ҳозир Афғонистон чорак асрлик уруш асоратларини бартараф этишга киришган. Бунда Ўзбекистоннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Масалан, Кобул — Ҳайратон йўлида ўзбекистонлик кўприксозлар билан ҳамкорликда ҳозиргача тўрт кўприк тикланди. Ўзбекистон инсонпарварлик ёрдами сифатида хориждан афғон халқига юборилаётган юкларни манзилга етказишда ҳам фаол қатнашмоқда.

Абдул Самад Президентга ўз мамлакатининг Ўзбекистондаги илк Фавқулодда ва Мухтор элчиси сифатида ишонч ёрлиғини топширишдан фахрланишини айтар экан, Ислом Каримовнинг афғон халқини уруш балосидан ҳимоя қилиш учун йиллар давомида халқаро ҳамжамият эътиборини ушбу ўлкага қаратиш йўлида амалга оширган хайрли ишлари юксак даражада қадрланишини таъкидлади.

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон Президентига Индонезиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Хасим Салех Ишонч ёрлиғи топширди.

Учрашувда Ўзбекистон-Индонезия ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани, аммо ишга солиниши мумкин бўлган имкониятлар ҳам кам эмаслиги таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишда Индонезия билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Айни пайтда мамлакатларимиз ишбилармонлари меҳмонхона бизнеси ва алоқа соҳаларида яхши алоқа ўрнатган.

Президент Ислом Каримов Индонезия элчисига ўз миссиясини бажаришда катта муваффақият тилади.

* * *

Президент Ислом Каримов Грециянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Дмитриос Параскевопулосдан ҳам Ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон — Греция муносабатлари изчил ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасида юқори даражали ташрифлар амалга оширилган ва ҳамкорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори барпо этилган.

Ўзбекистон раҳбари Греция элчисини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан қутлаб, унга мамлакатимиздаги миссиясини бажаришда муваффақият тилади.

Дмитриос Параскевопулос ўз мамлакати Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор беришини таъкидлади. Греция айни пайтда Европа Иттифоқига раислик қилаётганини айтиб, Ўзбекистон билан ушбу ҳамжамият ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришни ҳам устувор вазифалардан, деб билишини қайд этди.

**(ЎзА).**

*Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган маърузасида инвестиция ва иқтисодий таркибий сиёсатни амалга ошириш ҳақида тўхталиб, «Мамлакатимизда юксак технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келмоқда, рақобатга бардошли янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёни фаол ўзлаштирилмоқда, биз учун долзарб масала бўлган аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ҳал этилмоқда»— деб алоҳида таъкидлаган эди.*

## Асосийси экспортга

*Тошкент вилоятидаги «Чиноз тўқимачи ЛТД» ўзбек-япон-турк қўшма корхонаси бунга ёрқин мисолдир. 2001 йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилган мазкур корхонада ўтган йили 4937 тонна ип-калава ҳамда 418 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқарилди. Тайёр маҳсулотлар Испания, Италия, Англия, Туркия, Белгия, Греция сингари хорижий давлатларга экспорт қилинди. Уларнинг умумий ҳажми эса 10 миллион АҚШ долларини ташкил этди.*

*— Қўшма корхонамизда жорий йилнинг ўтган даврида ҳам 1 миллион 800 минг АҚШ долларидан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, чет элга сотилди, — дейди бош директор Лами Аради.*

*«Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик компанияси тизимига қарашли ушбу корхонада шу кеча-кундузда 650 нафар йигит-қиз меҳнат қилаётир.*



**СУРАТДА: тўқув цехи ишчиси Нодира Сулаймонова.**

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ КЎРИГИ

Деҳқон кўкламги экишни бошлади. Демак, қайта ишлаш корхоналари ҳам янги мавсум тадоригини кўриши лозим. Бош мақсад етиштирилган ҳосилни тез ва соз қайта ишлаш, ортиқча харажатларга йўл қўймаслик, юқори сифатли маҳсулот тайёрлашдан иборат.

Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида бўлиб ўтган республика кўргазмали семинар-кенгашида пахтани қайта ишлаш корхоналарини замонавий технология билан қайта жиҳозлаш масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

Семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимида бугун 110 дан ортиқ пахта тозалаш заводи ишлаб турибди. Ўтган йили хомашёнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Натижада шу кунгача истеъмолчиларга 82 фоиз биринчи синфга мансуб тола етказиб берилди. Кўргазмали семинарда келтирилган бир рақам эътиборни тортади: амалдаги технология асосида ўтган йили бир тонна пахтадан 32,5 фоиз тола, 51,8 фоиз чигит олинди. Бу кўрсаткич деҳқонни ҳам, қайта ишловчини ҳам қониқтирмайди. Боз устига, айрим вилоятларда бу кўрсаткич янада пастроқ. Сабаби, улар ишлатаётган технологик асбоб-ускуналар анча эскирган, кўп ишлар қўл кучи ёрдамида бажарилади. Бу эса маҳсулот таннархи ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўртачирчиқ туманидаги "Қорасув" пахта тозалаш заводи очиқ ҳиссадорлик жамиятида бу борада амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. Мазкур корхона раҳбар-мутахассислари ўз ички имкониятларини ишга солиб, бош бино ва пахта тозалаш цехини бутунлай реконструкция қилди. Жумладан, тозалаш агрегатлари янгиланди, шунингдек, пахта тойларини тортиш учун электр тарози, техник чигитни тортиш учун автомат тарози ўрнатилди. Янги технология туфайли тола салмоғи ортди, сифати яхшиланди. Кўп ишлар механизациялаштирилиши натижасида маҳсулот таннархи сезиларли даражада пасайди.

Кўргазмали семинар-кенгашда "Қорасув" пахта тозалаш заводига ўрнатилган технологиядан барча вилоятларда кенг фойдаланиш тавсия этилди. Йиғим-терим мавсуми бошлангунга қадар шундай ускуналар билан қайта ишлаш корхоналарининг тенг ярмини қайта жиҳозлаш имконияти мавжуд. Бу иш амалга ошса, бир тонна пахтадан олинадиган тола миқдори анча кўпаяди.

Тадбир иштирокчилари "Қорасув" пахта тозалаш заводида йўлга қўйилган илғор технология фаолияти, ободончилик ишлари билан танишди.

Семинар-кенгашда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

**Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.**

Қарор ва ижро

## Ғалла пайҳон бўлмасин

*Ўтган йили ғаллакорларимиз учун баракали бўлди. Мамлакатимиз ғаллачилиги тарихида илк бор беш миллион тоннадан зиёд хирмон кўтарилди. Миришкорларимиз бу йил бундан ҳам мўл ҳосил олиш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Шу мақсадда ўтган кузда 1 миллион 390 минг гектарга яқин майдонга ғалла экилди. Айни кунларда 1 миллион 110 минг гектар суғориладиган ва 280 минг гектарга яқин лалми майдонда ғалла майсалари баравж ривожланмоқда.*

— Ҳозирги кунда далаларда ғалла ривожи анча яхши, — деди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги дон экинлари селекцияси, уруғчилиги ва уларни нав бўйича жойлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Саидаҳмад Тулепов ЎзА мухбирига. — Тез-тез ёғингарчилик бўлиб, қуёш ҳарорати мўътадил сақланаётгани бунинг асосий омили бўлаётир. Бироқ аксарият туман ва хўжаликларда пахта теримини рўкач қилган ҳолда дон экиш агротехник муддатларда ўтказилмаганлиги, ғалла парвариши кечиктириб юборилганлиги оқибатида кўпгина майдонларда кўчат бир текис бўлиб чиқмади, бундай ерларда ғалла ривожланиши ўтган йилга нисбатан 15-20 кун орқада қоляпти.

Бундай майдонларда қўшимча агротехник тадбирларини ўтказиш, ғаллани сифатли озиқлантириш, шарбат усулида суғоришни кечаю кундуз ташкил этиш, бегона ўтларга қарши курашни кескин кучайтиришга жиддий эътибор берилиши зарур. Бу тадбирлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиб, пайҳонга йўл қўймаган ҳолда парвариш ишларининг тўғри ташкил этилиши кўзланган ҳосилни олиш имконини беради, албатта.

Ғалла ҳосилдорлигининг юқори бўлишида пайҳонга йўл қўймаслик, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Ўтган йилнинг 9 декабрида Вазирлар Маҳкамасининг "Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, жойларда тўрт мингдан кўпроқ кузатув пости ташкил этилган эди. Афсуски, кўпчилик фуқароларимизнинг масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги туфайли ғаллазорни топтаб юрган чорва молларини учратиш мумкин.

Бир квадрат метр майдонда ўртача 450-500 кўчат бўлса, пайҳон натижасида шунинг юз тупи завол топади. Ваҳоланки, етиштирган барча дон хирмонга келиб тушса, эл дастурхонида нон шунча мўл бўлади.

**Олим НОРБЕКОВ.**

Оқибатли одамлар

## Наврўз тарозиси

— Ҳой, жаноби мухбир, шошманг. Бир дамга қадам илинг.

Мен овоз келган томонга ўгирилдим. Қарасам, ўзимга таниш одам. Хуррам Эшқобилов. Савдо ташкилотининг таъминотчиси. Ҳамкасбларининг тили билан гапирганда — мой экспедитор.

— Манавини ўқидингизми? — деди Хуррам ака салом-аликдан сўнг.

Мен унинг қўлидаги китобга қарайман. — "Кечикаётган одам".



— Мен ўқиб чиқдим. Бир кечада ўқиб чиқдим, — дейди у менинг жавобимни кутмасдан. — Олтмиш беш ёшга кирган одам, яъни, мен, тўрт юз эллик бетли китобни бир кечада ўқиб чиқдим. Ана китоб. Ана адабиёт. Шу китобни энди реклама қиламан. Сиз мухбирлардан хафаман. Пулини — чўталини тўласа, бас, дуч келган гапни реклама қилиб кетаверасизлар. Лекин китобнинг рекламаси, китоб тарғиботи хаёлларингиздан кўтарилаверади. Биз бўлса реклама қиламиз. Китобни реклама қилиш бўйича ўзим шўъба очганман. Йўлдош Эргашев, Омон Менглиев шўъбамнинг аъзолари. Айтгандай, Исмоил Холмирзаев деганимиз ҳам бор. Тенгқурлармиз. Яхши китоб топдикми, бир-биримизга кўрсатамиз, биргалашиб ўқиймиз. Бошқаларниям ўқишга даъват қиламиз. Илгарилари, ҳов бизнинг йигитлик чоғларимизда одамларимиз бошқача эдилар: бир киши китоб ўқирди. Ҳамма уни тингларди. Бир бахши қўшиқ айтарди. Ёшу қари сеҳрли қўшиқларга қўшилиб оқарди. Бир одам уйининг томини суварди. Иш йўлдан-қўлга ўтиб кетарди. Раҳматли отам, қайнаган қозонингни албатта, қўшнинг билан баҳам кўр, дердилар.

— Ҳозир ҳам...

— Йўқ, ҳозир ҳам ёмон эмас, — деб оғзимдан гапимни олади Хуррам ака. — Лекин-да давраларимизга тилёғламаликлар, ёлғонлар суқилиб қолаётганидан кўз юмиб қаерга ҳам борамиз. "Хаёлимда бир-бирин аллар икки кўзим ҳам".

— Кимдир сизни хафа қилган кўринади, — дейман.

Хуррам ака кулиб юборди. Одамлар бир-бирларини хафа қилмайдилар. Улар бир-бирларининг кўзларини очадилар, — деди ва шу кулги асносида давом этди: — Яқинда тобим қочди. Бир ой ётиб қолдим. Боши ёстиққа етганда каталак кўтариб изидан чопганларимнинг кўпчилиги мени йўқламади. Кутдим. Йўқламади. Улар менинг кўзимни очишди.

— Демак, бундан буён улар бетобланса, сиз ҳам хабар олмайсиз.

— Йў-ўғ, — деди Хуррам ака кўрсаткич бармоғи билан айтган гапимнинг устидан чизган бўлиб.— Аввало, ҳеч ким касал бўлмасин. Лекин, сен билан ишлаб, биродарлашиб юрган одаминг ётиб қолсаю уни йўқламасанг, қандай қилиб ухлайсан, қандай қилиб ором оласан? Йўқламаган тақдирингда унинг кўзига кейин қандай қарайсан? Ахир, одамнинг юзи офтобдан иссиғ-а.

Ана жаноби мухбир, Наврўз келаяпти, Наврўзни одамлар сумалак ялаб, баҳор гулларига маҳлиё бўлиш билан ўтказмасликлари керак. Наврўзда одамлар ўзларига обдон қараб, силкиниб олишлари лозим. Ўзларини Наврўзнинг тарозисига солишлари лозим. Наврўз — яхшилик дегани.

Гапи шу жойга етганда Хуррам ака бироз тин олди. Кўзлари юмилган бўлди. Масрур, баланд овоз билан шеър ўқий бошлади:

***Аввал юрагингга***
***мўралайди у,***
***Сўнгра куртакларга***
***ўргатади сўз.***
***Заминнинг кўзидан***
***қочади уйқу,***
***Демак баҳор келди,***
***келмоқда Наврўз,***
***Она бағри каби***
***илиқдир олам,***
***Ҳарир ҳовуз ичра***
***яйрар дала-туз.***

Хуррам Эшқобилов бир нафас билан Наврўзга бағишлаб бешта шеър ўқиди. Менимча, бу дунё унинг нигоҳига Навоийнинг гўзал ғазали бўлиб кўринса керак деб ўйлайман. Унга ҳавасим келаётганини ҳис этаман...

**О.УСАНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.**

Пойтахтимизда



## ЎЗБЕКИСТОН-АҚШ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИККА БИР ЙИЛ ТЎЛДИ

12 март куни Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация имзоланганига бир йил тўлди. Шу муносабат билан Тошкент давлат шарқшунослик институтида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур ҳужжат 2002 йил 11-14 март кунлари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи чоғида имзоланган эди. Декларация давлатлараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар ривожланишини таъминлашга қаратилган ҳужжат ҳисобланиб, Ўзбекистоннинг келажакдаги тараққиётига хизмат қилади.

Ўзбекистон ва АҚШ нафақат халқаро терроризмга қарши курашда, балки бошқа кўплаб халқаро муаммоларнинг ечимини белгилашда муштарак нуқтаи назарга эга. Шу боис АҚШ Ўзбекистонни ўзининг ишончли стратегик ҳамкори деб ҳисоблайди. Зеро фақат истиқболли давлатларгина АҚШ билан бундай ҳамкорлик ўрнатиш имконига эга.

Анжуманда ўтган бир йил ичида мазкур ҳужжатнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил қилинди.

**(ЎзА).**

Жойлардан хабарлар

## Эрта эккан хирмон қилур...

**Ёғинли кунлар чекиниб, ҳарорат кўтарилгани замон «Ғайрат» ширкат хўжалиги механизатори Сойибжон Исоқов чигит экиш агрегатини туманда биринчи бўлиб, далага олиб чиқди. Андижонча усул афзалликларини қадрлаётган деҳқонлар уруғни барвақт экиб, эртанги ҳосил етиштириш ҳар томонлама манфаатли эканлигини синовдан ўтказганлар.**

**Наманган тумани хўжаликларида плёнка остига чигит экишга ёппасига киришилганига кўп бўлгани йўқ. Далаларда ишлатилаётган 50 дан зиёд сеялканинг иш унуми ортяпти. Пудратчи ва механизаторларнинг барчасида бир мақсад: баҳорнинг ҳар бир кунидан фойдаланиб, экишни узоғи билан ўн беш кунида ниҳоялаш.**

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

*Тошкент юридик институтида «Маҳалла оқсоқолларига ўз-ўзини бошқаришда конституциявий ҳуқуқлардан фойдаланиш ва ҳуқуқий онгни ривожлантириш» мавзуида семинар бўлиб ўтди.*

## Оқсоқоллар семинари

**Семинар қатнашчилари демократик жамиятнинг негизи бўлган маҳаллада ўзаро муносабатларнинг шаклланиши, ободонлаштириш ишларини бажариш ва бошқа муаммоларни ҳал этишнинг қонуний меъёрлари тўғрисида батафсил маълумотлар олдилар.**

**Юқори малакали мутахассисларнинг ҳуқуқий ва конституциявий бурчга оид мавзудаги маърузалари маҳалла оқсоқолларининг фаолият юргизишларида қўл келиши шубҳасиз.**

## Отчопарда нишонланади

**Қарши отчопари кўпдан бери ҳувиллаб ётарди. Яқиндан бери у яна гавжумлашиб, ажиб чирой касб этмоқда. Сабаби вилоят миқёсидаги Наврўз тантаналари шу ерда ўтказилади. Шу куни бу ерда катта кўпкари ҳам бўлади. Шу ниятда вилоят ҳокимлиги байрамга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Наврўзни яхши ният билан қаршилаган, албатта, йилни муваффақиятли якунлайди дейдилар. Ажаб эмас, шундай бўлса ва қашқадарёликлар ҳосил тўйини ҳам шу отчопарда нишонласалар.**

**Н. РАВШАНОВ.**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

### суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотида матбуотнинг тутган ўрнига бағишланди

Қонун ва меъёрий ҳужжатлар фуқаронинг ҳуқуқларини қай даражада ҳимоя қилиши аҳолига таништирилмас экан суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотида оқсоқлик сезилаверилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан уюштирилган «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли: муаммолар ва ечимлар» мавзуидаги илмий-амалий анжуманда шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган ушбу анжуманда тегишли идораларнинг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди ва ўзаро муносабатларга оид ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

Анжуман иштирокчилари суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга тўхталиб, унинг моҳиятини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, суд ҳокимияти билан журналистларнинг муносабатларида ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ҳақида баҳс юритдилар.

Тадбирда халқнинг суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотидан хабардор этилишида ихтисослашган журналистларнинг малакасини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз.**

2003 йил – Обод маҳалла йили

# ФИДОЙИЛИКНИ КАСБ БИЛГАНЛАР

**Фарғона вилояти Боғдод туманига қарашли 21 та қишлокда «Обод маҳалла йили»да зангори олов ёнди**

### *Ўйиндан ташқари ҳолат*

Бу хабарни эшитиб мақола қоралаш мақсадида «Пахтакор» ширкатлар уюшмасининг раиси Шермуҳаммад Тўрақуловга йўлиқдим.

– Бу ҳақда Кўштегирмон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Азимжон ака Рўзиматовга учрашганингиз яхши, – деди Шермуҳаммад ака ҳол-аҳвол сўрашгач. – Ҳамма ишга шу киши бош-қош бўлган.

Азимжон ака мақсадимизни эшитиб кулимсиради.

– Жуда ҳаяжонланяпман-да қувончдан, ажабланяпсизми? «Газ келса келибди-да, шунга шунчаликми?» деяпсизми? Э, биз учун зангори оловнинг бу келиши жуда қимматли, жуда қувончли! Бу кунга етиш учун яқин йигирма йил югурибмиз! Тарихини айтиб берсам зўр китоб бўлади, вей! – гап бошлади завқланиб. – Табиий газ дастлаб «Пахтакор»га 1984 йилда келган эди. Ундан юзтача хонадон фойдалана бошлади. Кейинчалик Олчин, Мулавали, Қуйқа, Чўл Юнус, Гулистон сингари беш-ўнта қишлоққа қувурлар тортилди. Газнинг беминнат дастёрлигини билган одамлар ким ўзарга хонадонларини газлаштиришга киришиб кетишди. Кимдир молқўйини сотди, кимдир тўй қилмоқчи бўлган пулини сарфлади, яна кимдир ўтин-кўмирга деб мўлжаллаб қўйган пулига хонадонига газ туширди. Ҳатто шифохона, чойхоналар, мактаблар, боғчалар, маиший хизмат уйлари, ошхоналар ҳам беминнат дастёр хизматидан фойдалана бошлашди. Ҳамма хурсанд, сарфлаган маблағидан рози эди. Аммо қишга бориб газ пасайиб, айрим қишлоқларда ўчиб ҳам қолди. Атрофга ҳайрон алангладик. Газ идорасига чопиш бошланди. «Қувурларинг яхши тозаланмабди. Тиқилиб қолибди. Кучли ҳаво ҳайдаб тозаласак, ҳаммаси яхши бўлади», деган жавобга эга бўлдик. Хотиржам тортдик. Аммо газ баҳорга чиқиб яхши бўлди. Ёз ойлари газни беармон ёқдик. Лекин кузга бориб яна газларимиз «қилиқ» чиқара бошлади. Яна чоп-чоп, арз-дод... «ГРПларинг нотўғри қўйилган. Яна бир-иккита қўшилса яхши бўлади», дейишди. Одамлар, «ГРП қўйилибди, Чўл қишлоғидагини алмаштиришибди. Эртага яхши бўларкан. Йўқ, бир ҳафтадан кейин катта ёнаркан», каби сўзлар билан ўзларини юпатишиб, баҳорга етиб олишди, кўклам чиқиб айтганлари бўлди. Аммо кузга бориб яна... Энди маҳаллалар алоҳида-алоҳида бўлиниб олишиб, «Биз бу томондан эмас, мана бу томондан газ тортсак яхши бўларкан. Биз эса мана бу томондан уласак яхши ёнаркан», дейишиб дам Риштон, дам Бувайда туманларининг газ қувурларига улашга киришиб кетишди. Шу билан яна баҳор келди, газлар кўтарилди. Ҳў-ҳу, нечта баҳор, нечта қиш ўтди бунақа машмашалар билан. Аммо газ кўтарилиш ўрнига борган сайин пасайиб кетаверди. 1997 йилга келиб эса буткул ўчди. Қайтиб баҳорда ҳам, қайноқ ёзда ҳам умуман ёнмади. Одамлар бормаган идора, арз қилмаган ташкилот қолмади. Айтилган гаплар кўп бўлди, бироқ газ ёнмади. Аниқ гапни билсак, бизга тортилган қувур Риштон туманининг ортиқча газлари келадиган қувурга уланган экан. Улардан ортса бизники ёнаркан. Риштондан газ ортмаётгани учун биз томонни буткул беркитиб ташлашибди. Газимизнинг ёниши учун алоҳида қувур тортиб келиниши шарт. Туман бюджети эса бунга кетадиган маблағни кўтаролмас экан. Минг-минг километрлаб тортилган қувурлар, ойлаб қилинган меҳнатлар, давлатдан, хўжаликдан, хонадонлардан сарфланган миллионлаб сўмлар бекорга кетди. Газ плиталари ўрнини ўзимизнинг сандал, печкалар эгаллади. Кунимиз қумғону қора қозонга қолди. Маиший бинолар, чойхона, новвойхона, ошхоналар, мактаб-боғчалар фақат ўтин топилганда иситиладиган бўлди. Тутзорлар, боғларни аёвсиз ўтин қилиб ёқишга киришилди. Хуллас, «газгаз» ўйинидан ўйиндан ташқари ҳолатга чиқиб кетдик.

### *Янги кунлар, янги режалар*

Ўтган йили худди шу ойлар бўлса керак, – Азимжон ака чойдан ҳўплаб ҳикоясини давом эттирди. – Беш-олтита маҳалла оқсоқоллари, фаоллари тумандаги йиғилишдан қайтиб келаётгандик. Олчин қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Муҳаммаджон Раҳимов гап бошлаб қолди:

– Газ ёнмай қўйганига ҳам беш йил бўлибди, шунақа қилиб юраверамизми? Раҳбарлар ўзгарди, янги ташаббускорлари қўйилди, олдиларидан ўтмаймизми?

– Ўша эски гап – газни ҳашар йўли билан қурайлик, демоқчисиз-да! – жонкуяр мухбир домламиз Солижон ака Усмонов қошини учириб сўради.

– Тўғри, ҳокимимиз янги бўлди. Ёш, юрагида ўти бор йигит – Шермуҳаммад уюшмага раис бўлиб келди. Мустақиллик боис имкониятлари кенгайиб, қўллари анча-мунча жойга етадиган бўлиб қолди. Қўллашлари мумкин. Ундан кейин, икки йил олдинми Абдуқаҳҳор Абдусаматов ҳокимлигида республикадан неча юз миллион суриб келиб, юқори босимли «Дўстлик» газ қувурига мослама ҳам қурдирганди. Ана шу ердан газ олиш мумкин.

– Ана! – Муҳаммаджонга жон кирди. – Машрабжон Ҳурбоев лойиҳа тайёрлатдим деганди. Юринглар, раисга учрайлик!

Уюшма идорасига бурилдик. Шермуҳаммад гапларимизни эшитиб туриб деди:

– Сизлар шундай деб келибсизларми, мен иккала қўлимни кўтариб қўллайман! – Мендан, уюшмадан қандай ёрдам керак бўлса берамиз. Аммо бу жуда катта иш. Ҳокимимиз билан ҳам бир маслаҳатлашиб олайлик. Қолаверса, ҳокимнинг ёрдами ҳам катта бўлади.

Ҳокимиятга қараб йўл олдик.

– Раҳмат сизларга! – ҳокимимиз Шокиржон Солижоновнинг биринчи айтган сўзи шу бўлди. – «Қарияларни қадрлаш йили»да бир ўзимизни кўрсатайлик депсизлар-да! – деб ҳаммамизнинг оқсоқол эканлигимизга ишора қилиб кулди. – Сизлар шундай ташаббус билан чиқибсизлар буни биз юз фоиз қўллаб-қувватлаймиз. Нимаики ёрдам бўлса, қиламиз. Бирор муаммо чиқиб қолса ўзимга келиб учранглар, ҳал қилиб бераман. Аммо ҳамма ишнинг боши сизлар. Халқ билан гаплашиш, ҳашарнинг моҳиятини тўғри тушунтириш, уни уюшқоқлик билан уюштириш зиммаларингда бўлади.

Шу билан иш бошланди. Мени газ қурилишига бошлиқ қилиб сайлашди. Маҳаллаларни кезамиз, йиғилишлар ўтказамиз... Аммо халқимизга раҳмат, Солижон Усмонов, Сотволди Жўраевлар билан бирга борамиз, очиқ чеҳра билан кутиб олишади, хизматга тайёрликларини айтишади.

Фермер хўжалиги раҳбари Исломжон Қундузов, кекса отахонларимиздан Толиб Олимов, Усмонжон Қундузов сингари халқнинг корига ҳамиша камарбаста бўлган акаларимиз биринчи кунларданоқ, «Катта иш бошлабсизлар, мана буни ана шу ҳашарга ишлатинглар!» дейишиб бир миллион сўмдан ортиқ ҳомийлик ёрдами кўрсатишди. Ҳатто баъзи бир олтмишга, етмишга кирган онахонларимиз дуо қилиб, «Газни ёқяпсизлар экан, нафақамизнинг бир қисмини берсам», дейишиб, бизни янада илҳомлантиришди. Шундай қилиб олти маҳалла оқсоқоли бошчилигида олти маҳалла халқи ҳашарга шай бўлди, март ойида катта ҳашар бошланди.

### *Ўн бир ойлик ҳашар*

– Ҳашаримиз анча кўламли эди, – Солижон ака суҳбатимизга қўшилди. – Етти минг беш юз метрдан 159 ўлчамли қувурда юқори босимли газ келтиришимиз лозим. Бунинг учун эса туманнинг «Уч уй», «Ҳамзаобод» хўжаликларининг ерлари остида бекор ётган қувурларни аввало қазиб олиш лозим. Уларни қирқиб, яқин 30-40 километрга ташиб бориш, сўнг яна улаб ўрнатиш керак. Етмаганини излаб топиш, жойига пайвандлаб қўйиш ҳам зиммамизда. Қувур ўтадиган жойларни тартибга келтириш ҳам вазифамизга киради. Энг қийин жойи бу қувурларни юқори малакали пайвандчилар ўрнатиши шарт. Халқ тўлқиндир деганлари тўғри экан. Бир ишга ёпишилди... Аъзамжон Тошматов, Мирзақодир Мирзакаримов сингари укаларимиз қурилишга бош-қош бўлиб туриб беришди. Мусажон Маматхалилов, Нурали Холмирзаев, Мўйдинжон Ҳайдаров, Шермуҳаммад Мўминов, Муҳаммадамин Аҳмедов, Ҳайдаржон Холдоров каби қўли гул пайвандчилар тиним билмадилар. Маҳалладан ҳар куни 30-40 та йигит ҳашарга чиқиб турди. Ишбошимиз Азимжон билан Сотволдининг сира ороми йўқ: ҳали қувур излаган, ҳали техника, ҳали озиқ-овқат...

Ҳокимимиз бўлса, ҳар қандай илтимосимизга туриб берди. Уюшмамиз раиси Шермуҳаммадга ҳам раҳмат айтгим келади, ҳар куни учта техникани ёнилғи билан таъминлаб, хизматимизга шай қилиб қўяди. Бирор етишмовчилик ёки муаммо туғилса ўзи бу ёғи Фарғона, бу ёғи Қўқон, ҳатто Тошкентга бориб бўлса-да, топиб, ўша муаммони ечиб келди. Камига қўшни «Ўзбекистон» ширкатлар уюшмасидан Чексарой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Солижон Асранқулов фаоллардан Шукурали Шерматов, Турдали Ҳамроиловларни ёнига олиб, «Ҳашарларингга маҳалламиз халқи ҳам қўшилмоқчи», деб келиб қолишди. Ишлар янада юришиб кетди. Январда, роса ўн бир ой деганда «Обод маҳалла йили»га совға бўлиб 7,5 километрли газ қувурлари тортиб бўлинди! Газ ёқилди. 21 та қишлоқ, 2800 хонадонда зангори олов ёнди. Ўн икки мингдан ортиқ аҳоли унинг беминнат хизматидан фойдаланишни бошлади. Новвойхона-ю ошхоналар ишга тушди. Чойхоналар дуогўй отахонларимизга тўлди.

– Газ ёнди, лекин ҳашаримиз ҳали тугагани йўқ, – Азимжон ака бармоқларини бир-бир букиб санай кетди. – Биргаликда юқори қувватли электр линияси тортиб келмоқчимиз. Кўштегирмон-Янгиқўрғон анҳори арикча ҳолига келиб қолган. Натижада, аввало, экология бузилмоқда, қолаверса, аҳолининг сувга бўлган талаби умуман қондирилмаяпти. Ана шу «арикча»ни яна катта анҳор ҳолига келтирмоқчимиз. Янги хўжаликлардан 400 тасини газлаштирмоқчимиз, йўлларига асфальт ётқизмоқчимиз, ичимлик суви таъминотини яхшиламоқчимиз...

Уларнинг берилиб айтган гапларини эшитиб туриб, «Излаган имкон топар», «Қаловини топсанг, қор ёнар» деган қатор мақоллар хаёлимдан ўтди. Ташаббускор, танти, меҳнаткаш, юртим деб яшаётган инсонлар сафи кенгаяётганидан қувониб, улар билан хайрлашдим.

**Саид АНВАР,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# БИЗГА ТИНЧЛИК УЧУН КАФОЛАТ КЕРАК

***Бугун жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътибори Ироқ билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган.***

Таъкидлаш лозимки, ушбу муаммо фавқулодда ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Мана 11 йилдирки, турли халқаро миқёсда Ироқда оммавий қирғин қуроллари бор ёки йўқлиги муҳокама қилинмоқда. Ушбу масала бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бир неча резолюцияси қабул қилинган. Аммо дунё хавфсизлиги билан боғлиқ ушбу муаммо узоқ вақт охирига етказилмади.

Ўз вақтида жаҳон ҳамжамияти томонидан расмий Бағдоднинг мамлакатда халқаро инспекторларнинг фаолиятини тўхтатиш ва уларни чиқариб юбориш ҳақидаги қарори жиддий қабул қилинмаганлиги ҳайратланарли ҳолдир. Ҳолбуки, Бағдоднинг ушбу қарори ўшандаёқ дунёни Ироқ раҳбариятининг асл мақсад ва режаларига нисбатан жиддий эътибор қаратишга ундаши лозим эди.

Албатта, бугун Ироқда бактериологик, кимёвий ёки ядро қуроли бор-йўқлигини узоқ муҳокама қилиш ёки баҳслашиш мумкин. Балки ўзига ишонқирамаган ҳолда у ерда оммавий қирғин қуроллари йўқ дейдиганлар ҳам бордир. Бундайларга ўз навбатида унда Ироқ курдларга нисбатан қандай кимёвий қурол ишлатганди деган савол берувчилар ҳам топилади.

Агар Ироқда оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариши ривожлантирилаётганлиги аниқланса ва улар эртага турли хил йўллар орқали террорчилик ва экстремистик кучлар қўлига тушса, бу инсоният учун қандай оқибатларга олиб келишини, ҳатто, тасаввур қилиш ҳам қийин. Бунинг учун ким жавоб беради, умуман кимдир бунга жавоб бера оладими?

11 сентябрь фожиалари инсониятни ларзага солди ва шунинг билан бирга халқаро терроризмга қарши жипслаштирди. Бутун дунё аҳли башарият душманларининг ваҳший башарасини ўз кўзи билан кўрди. Бу манфурларнинг ўз мақсадларига эришиши учун ҳеч нарсадан тап тортмаслигини англаб етди.

Афсуски, бугун ҳам жаҳон ҳамжамияти халқаро терроризм ва экстремизмга, хусусан Ироқ атрофидаги воқеаларга, шу билан бирга оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши муаммосига ўзининг муносабатини тўлиқ англаб етганича йўқ. Шу ўринда Афғонистон муаммолари билан боғлиқ воқеаларни эслаб кўрайлик. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ер юзининг энг оловли нуқтасидан чиқаётган хавфдан жаҳон афкор оммасини огоҳлантирганди. Президентимиз Ислом Каримов энг юксак халқаро минбарлардан туриб, шу жумладан, энг обрўли халқаро ташкилот — БМТ минбаридан туриб афғон муаммосини тезлик билан ҳал этиш тўғрисида гапирган эди. Аммо БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши мустақил равишда «Толиблар»ни тўхтатадиган биронта жиддий ва узил-кесил қарор қабул қила олмади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида биринчилардан бўлиб АҚШнинг халқаро терроризмга қарши курашини қўллаб-қувватлади.

Бугун ҳам жаҳон олдида Ироқ масаласини қандай ҳал этишдек муҳим муаммо турибди. Ўйлаймизки, бу ерда икки хил фикр бўлиши мумкин эмас. Албатта, жаҳондаги ҳеч бир мамлакат бу муаммони куч ишлатиб ҳал этишни истамайди. Ҳамма уни тинч йўл билан ҳал этилиши тарафдори. Аммо бунинг учун Ироқ томони БМТнинг 1441 резолюциясини сўзсиз бажариши, халқаро ҳамжамият билан муроса қилиши керак.

Аммо бу муаммонинг ечимини ҳадеб орқага сураверишҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Колин Пауэллнинг «Ҳеч ким урушни хоҳламайди, аммо қатъий чоралар кўриш вақти келди» деган гапларига қўшилмаслик мумкин эмас.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов яқинда бўлиб ўтган матбуот конференциясидаги ўз чиқишида Ироқ атрофидаги муаммони ечиш бўйича Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини аниқ ва равшан ифодалаб берди. Ўзбекистон Ироқ масаласида АҚШ нуқтаи назарини тўла қўллаб-қувватлайди.

**Раъно ВОҲИДОВА.**

Комиссиялар фаолиятидан

*Бирор фарзанд дадасининг ёнига кириб, кўмаклашаётганини кўриб ҳаваланамиз. Уй юмушларини тиндириб қўйган қизларга меҳримиз товланади.*

*Аммо кимнингдир боласи ёшига ярашмаган қилиқ чиқарганини, меҳнатдан бўйин товлаб ножўя қадам ташлаганини кўрсак юрагимиз ғашланади. Уни тартибга чақириб, тўғри йўл кўрсатгимиз келади. Негаки, ўша ўсмир сизу биз билан бир ҳаводан нафас олади, бир ариқдан сув ичади. Турли йиғинларда битта дастурхон атрофида бирга ўтиради. Демак, ўша ғўр бола бегона эмас, у ҳақда қайғуришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.*

# Бир болага етти маҳалла ота-она

Назаримда, куч-қувватга тўла болани иш билан таъминлаш бу борадаги энг тўғри ва самарали йўлдир. Шаҳар ҳокимлиги ҳар бир ёшнинг бирон ҳунарнинг этагидан тутиши, ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлишига эътибор қаратмоқда. Вояга етмаганлар бандлигини таъминлаш ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида уларни ҳам шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган «Бўш иш ўринлар» ярмаркасига таклиф қиляпмиз. Яқинда ярмаркага ташриф буюрган 19 нафар вояга етмаган ўсмирдан 6 нафари ишга жойлаштирилди. Қолган ёшлар касб-ҳунар эгаллаш учун мутасадди идораларга бириктириб қўйилди. Аслида бундай ярмаркага юзга яқин вояга етмаганлар таклиф қилинди ва деярли барчаси ишга жойлаштирилди.

Бугунги кунда шаҳримиздаги барча мактаб ва маҳаллаларда вояга етмаганларга таълим-тарбия бериш ҳамда касбга йўналтириш ишлари билан шуғулланувчи гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Улар носоғлом муҳитли оилалар, ҳуқуқбузарлик, тартиббузарлик содир қилган болалар, ўқишни ташлаб юборган ўқувчиларни аниқлашади, шундай ўсмирларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари ва мактаблар маъмурияти ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришади. Айниқса, ўсмирларнинг гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишига йўл қўймаслик учун астойдил курашилмоқда.

Шаҳар ҳокимлигининг кўмагида ёз ойларида маҳаллаларда ва болалар оромгоҳларида ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга астойдил киришдик. Бизга прокуратура, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, «Андижонкиновидео» бирлашмаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгашининг ходимлари яқиндан ёрдам беришди. Натижада мазкур мавзуда юздан ортиқ қизиқарли тадбирлар ўтказилиб, ёшларнинг мароқли хордиқ чиқариши ва бўш вақтлари мазмунли бўлишига эришилди. Бундай тадбирларга беш мингдан зиёд ўсмир-ёш жалб этилди.

Айниқса, вилоят ҳокимлигининг қарори билан «Қонун устувор бўлган юрт ёшларининг келажаги порлоқдир» шиори остида ўтказилган тадбирларимиз самарали бўлди. Чўлпон номли кинотеатрда хайрия-марафон концертини уюштирдик. ... Унда икки мингга яқин йигит-қиз иштирок этди.

Ёшларнинг жисмонан соғлом ва маънавий баркамол бўлиб ўсишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун айнан маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спорт ишлари ҳам режалаштирилган. Чунончи, шаҳар ҳокимининг соврини учун «Маҳалламиз полвонлари», «Футболимиз келажаги» каби мусобақалар ташкил қилинади. Вояга етмаганлар билан ишлашда яхши тажрибага эга бўлган маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг тажрибасини оммалаштиришни ҳам мақсад қилганмиз.

**Бобуржон ФАХРИДДИНОВ,**
**Андижон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби.**

*Пойтахтимиздаги "Ўзбекенгилсаноат" Давлат Акциядорлик компанияси тизимидаги тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилган болалар ва катталар спорт кийимлари ва анжомлари кўргазмаси ўз ишини бошлади. Унда енгил саноат тизимига қарашли республикамиздаги ўнлаб корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқдалар.*



# *Спорт кийимлари кўргазмаси*

– Президентимизнинг "Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва ҳукуматимизнинг болалар спортини ривожлантиришга бўлган эътибори ишимизга қанот бахш этди, – дейди Қибрай туманидаги "SIRO" корхонаси менежери Икром Ҳамрохўжаев. – Ҳозирда корхонамизда етмишдан зиёд турдаги спорт кийимлари тайёрланаётир. Юзга яқин киши меҳнат қилаётган ушбу жамоада ишлаб чиқарилаётган спорт кийимлари табиий матолардан, серқуёш диёримиз иқлимига мос қилиб тикилганлиги билан барчанинг эътиборини тортмоқда. Айни пайтда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз хорижликлар эътиборини ҳам тортмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу кўргазмада енгил саноат тизимидаги корхоналар билан бир қаторда "Ўзбекчармпойабзали", "Ўзбек ипаги" уюшмалари, шунингдек, республика ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими маркази тақдим этган спорт кийимлари, спорт анжомлари ҳам ўрин олган.

Кўргазма ўз ишини давом эттирмоқда.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (суратлар),**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**



# Миллий матбуот марказида

"Журналистик фаолиятнинг ҳуқуқий кафолатлари ва суд ҳокимияти. Ўзаро алоқа муаммолари ва ҳамкорлик истиқболлари" мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. "Advokat" журнали таҳририяти, ABA (CEELI) ва "Евроосиё" жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати ҳақида сўз борди.

Семинарда республикамизнинг барча вилоятларидан келган журналистлар, адвокатлар иштирок этдилар. АҚШ юристлар уюшмаси вакили Линн Сферраза анжуман иштирокчиларига ўз тажрибалари хусусида гапириб берди.

Мазкур семинарнинг ташкил этилиши журналистлар ва ҳуқуқшунослар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**М. ТОЖИЕВА.**

Бугуннинг гапи

*Маҳалламиздаги ёнма-ён жойлашган икки дўконга тез-тез кириб тураман. Бирида тайёр озиқ-овқат, иккинчисида печенье, булочка, торт сингари пишириқ маҳсулотлари сотилади. Биринчисида дўкон эгалари маҳсулотларни улгуржи бозорлардан келтиради. Пештахталарга сайқал бериб терилган ранг-баранг маҳсулотлар кўзни қамаштиради. Нарх-наволарига кўз югуртириб... Ён дўконда саноқли пишириқлар тури сотувда, дўкон дизайни ҳам оддий. Лекин ҳамиша одам гавжум. Кирган харидор ҳеч бўлмаганда, бўрсилдоқ булочкалардан сотиб олади. Маҳсулотларни ака-ука Саидовлар ўз кичик корхонасида ишлаб чиқарадилар. Баъзан савлат тўкиб келган харидор чиройли дўкондан ялтироқ халтачаларга ўралган майизли кулчалардан олади. Аммо кўпчилик ўзимизда пишганини афзал билади. Сабабларини билмоқчи бўлдим. Истеъмолчилар четдан келтирилган кекс, печеньеларнинг нархи қимматлигини, тўйимсизлигини таъкидлашди. Бир отахоннинг жавоби ҳаммасидан ўтиб тушди.*

# КИМ КИМНИ АЛДАЯПТИ?

— Ўзимизнинг ширин кулчаларда ўз тафтимиз бор, қизим. Кейин нега мен пулимни четга жўнатишим керак? Қорин устунми, ғурур?

— Нафс орага тушганда ғурур эсга келармикан, отахон?

— Нафсини қўлга олганлар кўп,—дейди қария қатъий.

Нафсини қўлга олганлар. Ҳамма масалада калаванинг иккинчи учи шундай кишиларга бориб тақалади. Аммо уни қўлга олганлардан кўра ололмаганлар ҳамма даврларда кўп бўлгани ҳам маълум.

Энди масаланинг моддий томонига эътибор берайлик. Кичик корхонада жами 4 киши ишлаб чиқарган пишириқлардан бир кунда ўртача 75 минг сўм даромад олинади. Хомашё, ишчи кучи, солиқ тўловларидан ташқари 25 минг сўм соф фойда ҳар куни корхона эгасининг чўнтагига тушади. Товарлар олиб келтирилган дўконда икки киши бир кунда ўртача 8 минг фойда олаяпти. Иккала тадбиркор билан суҳбатлашамиз.

— Биз бир неча йил давомида,—дейди Саидовларнинг акаси,— оилавий тарзда тўй-маъракалар учун буюртма олиб ишладик. 4 йил илгари кичик технология мажмуасини ўрнатиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ишга ҳалол ёндошганимиз, асосий мақсадни бозор билан беллашадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратганимиз иш берди. Бир йилга етар-етмас, корхона харажатлари бутунлай қопланди.

Қўшни дўкон ишга тушганига 7 йил бўлди. Уни Акмал деган йигит ўз поччаси билан тиклаган. Озиқ-овқат маҳсулотларини улар пойтахтнинг улгуржи бозорларидан олишади. Баъзан маҳаллама-маҳалла сумка кўтариб юрадиган тижоратчилар хизматидан ҳам фойдаланишади.

Илгари олиб сотар чайқовчилар бўларди. Кейинчалик чайқовчи сўзи билан тижоратчи сўзи алмашинди, уларнинг фаолиятига кенг йўл очилди. Аслида тижоратга йўл очишдан мақсад ўзимизда йўқ маҳсулотларни четдан олиб келиш эди. Қизиқ, маҳсулотни бозорнинг ўзида қўлдан қўлга ўтказиб сотиш ҳам бизнесмикан? Мабодо буни бизнес деб аташ мумкин бўлса, ундан олинадиган фойда нимага асқотади? Фақат тирикчилик, қорин, усти-бош бутлашгами? Шу енгил эҳтиёжлар учун эртадан кечгача югурамизми? Сиз буни нима десангиз денгу, аммо бу ҳолат ўз-ўзини, маҳалладошларни алдаш дейилади. Ўз маҳалладошларининг топганига осонгина шерик бўлиш, бошқача қилиб айтганда, уларга фириб бериш рўй берса, файзу барака бўладими?!

— Мана, етти йил бўлибди дўкон ишлаб турганига, энди ишлаб чиқаришга киришсангиз ҳам бўлади. Қўшнингиз кунига 25 минг сўм фойда кўрганда, сиз 4 минг сўм топаяпсиз...—дейман Акмалга.

— Катта даромаднинг шунга яраша югур-югурлариям бор-да.

— Демак, сизга ҳаракат қилиб, кўпроқ маблағ топгандан осон йўл билан озроқ топган маъқул экан-да.

— Шундай десак ҳам бўлади,—кулади Акмал.

— Аммо сизнинг истеъмолчиларингиз бир неча бор қўлдан-қўлга ўтган маҳсулот олаётганини билса, нима деркин?

—...

Жавоб йўқ. Бундай одамнинг кўзига фақат арзимаган фойда кўринади.

Шундай тижоратчилар, тўғрироғи олиб сотарлар кўпаяётгани— бор гап. Бу кетишда оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрувчилар кўпаймаса эди, деган хавотирга борасан киши. Аслида ҳалоллик ҳаёт мазмунига айланган халқимиз учун бу муносиб эмас. Кўз ўнгида енгил йўллар билан даромад топаётганларни кўрган ёш болалар ҳаёт шу экан-да, деган ўйга бормайдими? Биз катта манзилларни кўзлаётган халқмиз. Шундай экан, қадамимиз ҳам, интилишимиз ҳам ана шу мақсадга яраша бўлиши керак.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ, ТАЪМИНОТЧИ ТАШКИЛОТЛАР, ФИРМАЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БЎЛИМИ





**2003 йилда вилоятда қурилиши ва қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилиши белгиланган касб-ҳунар коллежлари учун материал ва жиҳозлар сотиб олиш бўйича**

# ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.



| № | Материал ва жиҳозлар | Русуми | Ўлчов бирлиги | Талаб миқдори |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | **Сантехника жиҳозлари ва насослар (ЛОТ-1)** | | | |
| 1. | Вентиль | д=15 | дона | 700 |
| 2. | Вентиль | д=20 | дона | 415 |
| 3. | Вентиль | д=25 | дона | 305 |
| 4. | Вентиль | д=32 | дона | 281 |
| 5. | Вентиль | д=40 | дона | 205 |
| 6. | Вентиль | д=50 | дона | 180 |
| 7. | Сув ўлчагич | ВТГ-80 | дона | 18 |
| 8. | Сув ўлчагич | ВТГ-50 | дона | 16 |
| 9. | Задвижка | д=50 | дона | 203 |
| 10. | Задвижка | д=80 | дона | 196 |
| 11. | Задвижка | д=100 | дона | 75 |
| 12. | Задвижка | д=150 | дона | 36 |
| 13. | Клапан | д=80 | дона | 26 |
| 14. | Клапан | д=50 | дона | 22 |
| 15. | Клапан | д=32 | дона | 40 |
| 16. | Клапан | д=100 | дона | 18 |
| 17. | Клапан | д=150 | дона | 6 |
| 18. | Жўмрак | СТД-7073 | дона | 1600 |
| 19. | Жўмрак | КРДШ | дона | 1310 |
| 20. | Манометр | ОБМ-100 | дона | 180 |
| 21. | Ўт ўчириш жамламаси | ПГ-3000 | дона | 40 |
| 22. | Ўт ўчириш жамламаси | ПК | тўплам | 106 |
| | а) жўмрак | д=50 | дона | 1 |
| | б) боғловчи мослама | ГР-50 | дона | 2 |
| | в) боғловчи мослама | ГЦ-50 | дона | 1 |
| | г) боғловчи мослама | д=50 | дона | 1 |
| | д) матоли қувур | | м | 20 |
| 23. | Ўлчов жиҳози | УРРД | дона | 28 |
| 24. | Ўлчов жиҳози | РТ-50 | дона | 1 |
| 25. | Сув ўлчов асбоби | СТВГ-65 | дона | 1 |
| 26. | Иссиқлик ўлчов асбоби | №5 | дона | 72 |
| 27. | Насос | К100-80-160 | тўплам | 16 |
| 28. | Насос | К80-65-160 | тўплам | 26 |
| 29. | Насос | К50-32-125 | тўплам | 12 |
| 30. | Насос | К65-50-160 | тўплам | 12 |
| 31. | Насос | 4К90/20 | тўплам | 20 |
| 32. | Насос | К8/18 | тўплам | 18 |
| 33. | Насос | ГНОМ | дона | 20 |
| 34. | Насос | БКФ-2 | тўплам | 2 |
| | **Вентиляция ва иссиқлик билан таъминлаш жиҳозлари (ЛОТ-2)** | | | |
| 1. | Вентилятор | ВЦ4-75 №2,5 | тўплам | 31 |
| 2. | Вентилятор | ВЦ4-75 №6,3 | тўплам | 25 |
| 3. | Вентилятор | ВЦ4-75 №5 | тўплам | 20 |
| 4. | Вентилятор | ВКР-6 | тўплам | 16 |
| 5. | Вентилятор | ВКР-5 | тўплам | 10 |
| 6. | Вентилятор | ВЦ4-75 №3,15 | тўплам | 30 |
| 7. | Вентилятор | ВЦ4-75 №4 | тўплам | 12 |
| 8. | Вентилятор | ВКР-4 | тўплам | 16 |
| 9. | Вентилятор | АИСИ-3 | дона | 100 |
| 10. | Калорифер | КСК-311-02ХЛ | дона | 10 |
| 11. | Калорифер | КСК-3-6-02ХЗ | дона | 4 |
| | **Телефон ва радио жиҳозлари (ЛОТ-3)** | | | |
| 1. | Автоўчиргич | АП50-2МТ | дона | 40 |
| 2. | Телеантенна | АТКГ | дона | 30 |
| 3. | Созловчи мослама | УЭН-65 | дона | 10 |
| 4. | Созловчи мослама | ВБ-24/3 | дона | 20 |
| 5. | Датчик | СМК | дона | 500 |
| 6. | Датчик | ДИМК | дона | 1200 |
| 7. | Датчик | ИО4-001 | дона | 300 |
| 8. | Баланд товушли қўнғироқ | МЗ-1 | дона | 50 |
| 9. | Датчик | ДИМ-3 | дона | 2100 |
| 10. | Датчик | РАВШАН | дона | 25 |
| 11. | Датчик | ИПР | дона | 220 |
| 12. | Датчик | ИП-105 | дона | 2500 |
| 13. | Кабель | КММ-2 | м | 40 |
| 14. | Кабель 2х2,5 | МРМПЭ | м | 7050 |
| 15. | Кабель ТВ | РК-75-4-12 | м | 2100 |
| 16. | Кабель ТВ | РК-75-9-15 | м | 1500 |
| 17. | Кабель 10х2х0,5 | ТПП | м | 1700 |
| 18. | Кабель 20х2х0,5 | ТПП | м | 1960 |
| 19. | Кабель 30х2х0,5 | ТПП | м | 400 |
| 20. | Кабель 50х2х0,5 | ТПП | м | 1200 |
| 21. | Микрофон | МД-19 | дона | 6 |
| 22. | Кичик алоқа жиҳози | МУЛЬТИКОМ | дона | 10 |
| 23. | Ёнғин жиҳози | СИГНАЛ-42 | дона | 30 |
| 24. | Қўриқлов жиҳози | УОТС-М | дона | 30 |
| 25. | Назорат мосламаси | АНХОР | дона | 12 |
| 26. | Овоз кучайтиргич | СТЕПЬ-103 | дона | 3 |
| 27. | Телефон аппарати | ТАП-70 | дона | 50 |
| 28. | Телефон аппарати | ТА-900 | дона | 60 |
| | **Кабель-ўтказгич ва ёритиш маҳсулотлари (ЛОТ-4)** | | | |
| 1. | Кабель 3х120+1х70 | ААЩПС | м | 500 |
| 2. | Кабель 3х16+1х10 | ААЩВ | м | 480 |
| 3. | Кабель 3х50+1х25 | ААЩВ | м | 400 |
| 4. | Кабель 3х240 | АСБ-6 | м | 2500 |
| 5. | Кабель 2х2,5 | АВВГ | м | 5500 |
| 6. | Кабель 2х4 | АВВГ | м | 1000 |
| 7. | Кабель 3х10+1х6 | АВВГ | м | 810 |
| 8. | Кабель 3х150+1х70 | АВВГ | м | 1210 |
| 9. | Кабель 3х95+1х50 | АВВГ | м | 1600 |
| 10. | Кабель 3х120+1х70 | АВВГ | м | 500 |
| 11. | Кабель 3х2,5 | АВВГ | м | 1200 |
| 12. | Кабель 3х25+1х10 | АВВГ | м | 3250 |
| 13. | Кабель 3х35+1х16 | АВВГ | м | 1800 |
| 14. | Кабель 3х50+1х25 | АВВГ | м | 1400 |
| 15. | Кабель 3х6+1х4 | АВВГ | м | 1260 |
| 16. | Кабель 4х4 | АВВГ | м | 2400 |
| 17. | Кабель 2х2,5 | АПВГ | м | 665 |
| 18. | Кабель 2х6 | АПВГ | м | 1110 |
| 19. | Кабель 3х10+1х6 | АПВГ | м | 500 |
| 20. | Кабель 3х16+1х10 | АПВГ | м | 1450 |
| 21. | Кабель 3х4+1х2,5 | АПВГ | м | 3400 |
| 22. | Кабель 3х70+1х35 | АПВГ | м | 1900 |
| 23. | Кабель 3х95+1х50 | АПВГ | м | 2960 |
| 24. | Кабель 3х150 | АСБ-10 | км | 5,4 |
| 25. | Кабель 3х95 | АСБ-10 | км | 6,5 |
| 26. | Лампа | Б220-100 | дона | 2760 |
| 27. | Лампа | Б220-25 | дона | 25 |
| 28. | Лампа | Б220-60 | дона | 1550 |
| 29. | Лампа | ДРЛ-125 | дона | 550 |
| 30. | Лампа | ДРЛ-250 | дона | 60 |
| 31. | Лампа | КГ-500 | дона | 500 |
| 32. | Лампа | ЛБ-18 | дона | 460 |
| 33. | Лампа | ЛБ-40 | дона | 15600 |
| 34. | Провод 10 | АПВ | м | 2920 |
| 35. | Провод 1х2,5 | АПВ | м | 2340 |
| 36. | Провод 1х35 | АПВ | м | 900 |
| 37. | Провод 1х50 | АПВ | м | 400 |
| 38. | Провод 2,5 | АПВ | м | 16600 |
| 39. | Провод 4 | АПВ | м | 10400 |
| 40. | Провод 6 | АПВ | м | 11200 |
| 41. | Провод 16 | АПВ | м | 2200 |
| 42. | Провод 2х2,5 | АППВ | м | 106000 |
| 43. | Провод 2х4 | АППВ | м | 19000 |
| 44. | Провод 3х2,5 | АППВ | м | 40500 |
| 45. | Провод 3х4 | АППВ | м | 4060 |
| 46. | Провод 2х1,5 | АППВ | м | 1000 |
| 47. | Провод | НВ-1 | м | 3050 |
| 48. | Провод | ПВ-3 | м | 6100 |
| 49. | Провод 2х2,5 | ППВ | м | 680 |
| 50. | Провод 2х1,2 | ПТПЖ | м | 51400 |
| 51. | Провод 2х1,8 | ПТПЖ | м | 9300 |
| 52. | Провод 2х0,5 | ТРП | м | 28100 |
| 53. | Очиқ сим | АС-70 | км | 20 |
| 54. | Очиқ сим | АС-50 | км | 15 |
| 55. | Прожектор | ПКН-500 | дона | 460 |
| 56. | Эл.ёритгич | ЛПО02-2х40 | дона | 6160 |
| 57. | Эл.ёритгич | ЛПО16-40 | дона | 1800 |
| 58. | Эл.ёритгич | ЛПО33-4х40 | дона | 500 |
| 59. | Эл.ёритгич | ЛПО1х36 | дона | 260 |
| 60. | Эл.ёритгич | ЛСО1х36 | дона | 20 |
| 61. | Эл.ёритгич | ЛСО05-2х40 | дона | 480 |
| 62. | Эл.ёритгич | ЛСП18-2х36 | дона | 700 |
| 63. | Эл.ёритгич | ЛСП18-2х40 | дона | 50 |
| 64. | Эл.ёритгич | МАЯК1-125 | дона | 505 |
| 65. | Эл.ёритгич | НБО11-100 | дона | 230 |
| 66. | Эл.ёритгич | НБО11-60 | дона | 500 |
| 67. | Эл.ёритгич | НПО02-100 | дона | 2610 |
| 68. | Эл.ёритгич | НПП05-100 | дона | 100 |
| 69. | Эл.ёритгич | НСО11-100 | дона | 110 |
| 70. | Эл.ёритгич | НСП11-100 | дона | 440 |
| 71. | Эл.ёритгич | ПВЛМ 2х40 | дона | 210 |
| 72. | Эл.ёритгич | РКУ01-250 | дона | 100 |
| 73. | Эл.ёритгич | СУВ-1М-25 | дона | 185 |
| 74. | Эл.ёритгич | УСП18-2х36 | дона | 48 |
| 75. | Эл.ёритгич | ФИЛИПС | дона | 150 |
| 76. | Стартер | СК220-80 | дона | 23500 |
| 77. | Стартер | СК127 | дона | 800 |
| | **Трансформатор подстанциялари ва электр жиҳозлари (ЛОТ-5)** | | | |
| 1. | Трансформатор | ТМ-250/6 | тўплам | 4 |
| 2. | Таянч пункти | 2ГКТП 630/6 | тўплам | 3 |
| 3. | Трансформатор | ТМ-250/10 | тўплам | 4 |
| 4. | Таянч пункти | 2ГКТП 400/10 | тўплам | 5 |
| 5. | Эл.жавон | ВРУ-1-23-55 | дона | 25 |
| 6. | Эл.жавон | ВРУ-1-26-65 | дона | 10 |
| 7. | Эл.жавон | А-12У | дона | 6 |
| 8. | Эл.жавон | ШРЛ-73701 | дона | 2 |
| 9. | Тақсимлаш жавони | ПР8501-054 | дона | 8 |
| 10. | Тақсимлаш жавони | ПР8501-049 | дона | 40 |
| 11. | Тақсимлаш жавони | ПР8501-049 | дона | 16 |
| 12. | Тақсимлаш жавони | ПР8501-067 | дона | 12 |
| 13. | Тақсимлаш жавони | ПР8501-050 | дона | 6 |
| 14. | Тақсимлаш жавони | ВРУ1-11-10 | дона | 6 |
| 15. | Тақсимлаш жавони | ПР8501-047 | дона | 5 |
| 16. | Тақсимлаш жавони | ВРУ1-49-00 | дона | 4 |
| 17. | Амалиёт жавони | КЭФ-10 | дона | 17 |
| 18. | Амалиёт жавони | КЭХ-10 | дона | 16 |
| 19. | Ёритиш мосламаси | ОЩВ-6 | дона | 20 |
| 20. | Ёритиш мосламаси | ОЩВ-12 | дона | 40 |
| 21. | Ёритиш мосламаси | ОП-3 | дона | 10 |
| 22. | Пасайтириш жавони | ЯТП-025 | дона | 40 |
| 23. | Бошқарув жавони | Я5110-1874 | дона | 40 |
| 24. | Бошқарув жавони | Я5110-2874 | дона | 10 |
| 25. | Бошқарув жавони | Я5110-3474 | дона | 14 |
| 26. | Тақсимлаш жавони | ПР11-1046 | дона | 10 |
| 27. | Тақсимлаш жавони | ПР11-1052 | дона | 6 |
| 28. | Тақсимлаш жавони | ПР11-1056 | дона | 8 |
| 29. | Тақсимлаш жавони | ПР11-1060 | дона | 2 |
| 30. | Тақсимлаш жавони | ПР11-1071 | дона | 4 |
| 31. | Тақсимлаш жавони | ПР11-7121 | дона | 3 |
| 32. | Тақсимлаш жавони | ПР11-1078 | дона | 4 |
| 33. | Тақсимлаш жавони | ПР11-1064 | дона | 4 |
| 34. | Тақсимлаш жавони | ПР11-1072 | дона | 6 |
| 35. | Тақсимлаш жавони | ПР11-3060 | дона | 3 |
| 36. | Тақсимлаш жавони | ПР11-3054 | дона | 3 |
| 37. | Тақсимлаш жавони | ПР11-3058 | дона | 3 |
| 38. | Тақсимлаш жавони | ПР11-3010 | дона | 3 |
| 39. | Тақсимлаш жавони | ПР11-3056 | дона | 2 |
| 40. | Тақсимлаш жавони | ПР11-3020 | дона | 2 |
| 41. | Тақсимлаш жавони | ПР11-3002 | дона | 2 |
| 42. | Тақсимлаш жавони | ПР11-3064 | дона | 2 |
| 43. | Тақсимлаш жавони | ПР11-1062-2 | дона | 8 |
| 44. | Электр сув иситгич | УНС-100 | тўплам | 12 |
| 45. | Электр сув иситгич | УНС-60 | тўплам | 18 |
| 46. | Магнитли мослама | ПМЛ121002 | дона | 60 |
| 47. | Магнитли мослама | ПМЛ42202 | дона | 12 |
| 48. | Магнитли мослама | ПМЛ512002 | дона | 21 |
| 49. | Магнитли мослама | ПМЛ122002 | дона | 14 |
| 50. | Магнитли мослама | ПМЛ322002 | дона | 18 |
| 51. | Эл.ўчиргич | ЯБВП-1 | дона | 10 |
| 52. | Бошқарув тугмаси | ПКЕ222002 | дона | 96 |
| | **Ошхона жиҳозлари (ЛОТ-6)** | | | |
| 1. | Ўз-ўзига хизмат қилиш тизими | ЛС | тўплам | 7 |
| 2. | Биринчи таом мармити | | дона | 8 |
| 3. | Иккинчи таом мармити | | дона | 8 |
| 4. | Электр плитаси | ПЭ-051 ПСМ | дона | 42 |
| 5. | Электр қозони | КПЭ-60 | дона | 8 |
| 6. | Электр қозони | КПЭ-100 | дона | 22 |
| 7. | Электр қайнатгич | КНЭ-50 | дона | 15 |
| 8. | Электр қайнатгич | КНЭ-100 | дона | 11 |
| 9. | Қовуриш жавони | ШЗЭ-085 | дона | 15 |
| 10. | Пишириш жавони | ШПСМ-3 | дона | 15 |
| 11. | Универсал узатма | П-2 | дона | 15 |
| 12. | Ҳамир қориш машинаси | ТММ-1 | дона | 15 |
| 13. | Картошка тозалаш мосламаси | МОК-125 | дона | 4 |
| 14. | Картошка тозалаш мосламаси | МОК-250 | дона | 11 |
| 15. | Нон кесиш мосламаси | МХР-200 | дона | 15 |
| 16. | Гўшт қиймалагич | МИМ-250 | дона | 15 |
| 17. | Музлатиш шкафи | ШХ-056 | дона | 15 |
| 18. | Музлатиш шкафи | ШХ-08 | дона | 15 |
| 19. | Ювиш ваннаси | ВМСМ-1 | дона | 123 |
| 20. | Ишчи столи | СПСМ | дона | 164 |
| 21. | Ишчи стеллажи | СПП | дона | 82 |
| 22. | Кўргазма музлатгичи | ТАИР | дона | 15 |
| 23. | Катта тарози | | дона | 15 |
| 24. | Кичик тарози | | дона | 15 |
| 25. | Касса аппарати | | дона | 15 |
| | **Ўқув мебели ва инвентарлари (ЛОТ-7)** | | | |
| 1. | Аудитория тўплами | | тўплам | 6196 |
| 2. | Компьютер столи | | дона | 695 |
| 3. | Физика кабинети тўплами | | тўплам | 38 |
| 4. | Химия кабинети тўплами | | тўплам | 27 |
| 5. | Лингафон кабинети | | тўплам | 76 |
| 6. | Бир ўринли ўқув столи | | дона | 760 |
| 7. | Бир жавонли стол | | дона | 486 |
| 8. | Икки жавонли стол | | дона | 612 |
| 9. | Китоблар учун кўргазма шкафи | | дона | 554 |
| 10. | Махсус кийимлар шкафи | | дона | 120 |
| 11. | Кабинет гарнитури | | тўплам | 78 |
| 12. | Каталог шкафи | | дона | 94 |
| 13. | Бир томонлама стеллаж | | дона | 600 |
| 14. | Икки томонлама стеллаж | | дона | 600 |
| 15. | Китоблар учун стеллаж | | дона | 80 |
| 16. | Китоб бериш кафедраси | | дона | 80 |
| 17. | Каталоглар билан ишлаш столи | | дона | 60 |
| 18. | 3 секцияли доска | | дона | 130 |
| 19. | Бир секцияли доска | | дона | 692 |
| 20. | Иш столи | | дона | 700 |
| 21. | Юмшоқ стул | | дона | 3652 |
| 22. | Тушлик столи | | тўплам | 982 |
| 23. | Фаоллар зали учун 3 ўринли курси | | тўплам | 1597 |
| 24. | Кровать | | дона | 700 |
| 25. | Кровать олди жавони | | дона | 700 |
| 26. | Кийим шкафи | | дона | 280 |
| 27. | Гимнастика нарвони | | дона | 300 |
| 28. | Гимнастика курсиси | | дона | 236 |
| 29. | Теннис столи | | тўплам | 20 |
| 30. | Гимнастик сакраш ускунаси | | дона | 20 |
| 31. | Гимнастик тушамаси | | дона | 545 |
| 32. | Гимнастика халқалари | | дона | 80 |
| 33. | Сакраш трамплини | | дона | 26 |
| 34. | Волейбол устуни | | тўплам | 40 |
| 35. | Баскетбол халқалари | | дона | 80 |
| 36. | 30 илмоқли кийим илгич | | дона | 415 |
| 37. | Аналитик тарози учун стол | | дона | 33 |
| 38. | Монтаж столи | | дона | 20 |
| 39. | Ташхис столи | | дона | 20 |
| 40. | Медицина шкафи | | дона | 20 |
| 41. | Кушетка | | дона | 40 |
| 42. | Врач столи | | дона | 40 |
| 43. | Ширма | | дона | 20 |
| 44. | Мольберт | | дона | 240 |
| 45. | Кўргазма учун жавон | | дона | 140 |
| 46. | Ногиронлар столи | | дона | 47. |
| | Мажлислар столи | | дона | 40 |
| 48. | Ойнома учун стол | | дона | 60 |
| 49. | Юмшоқ мебель тўплами | | тўплам | 60 |
| 50. | Кўргазма қуроллари учун жавон | | дона | 692 |
| 51. | Минбар | | дона | 20 |
| 52. | Пюпитерли курси | | дона | 400 |

**Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бўлими. Манзили: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 45-уй. Телефон: 25-25-61.**

**Молиялаштириш давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**
**Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.**
**Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бўлимига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 45-уй. Телефон: 25-25-61.**

***Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.***

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.**
**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш муддати — оферталар очилиш куни ва соати.**
**Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.**

